

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**593** Ўзбекистон Республикаси Божхона органларида контрактлар (шартномалар) ва битимларни ҳисобга қўйиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил  
21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 832-7*

*(2013 йил 1 январдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сон «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 328-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.*

**52 (552)-сон**

**— 93 —**

**593-594-моддалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 1999 йил 10 сентябрда 02/19-67-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Божхона органларида контрактлар (шартномалар) ва битимларни ҳисобга қўйиш тартиби»га (рўйхат рақами 832, 1999 йил 15 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 й., 12-сон) иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор 2013 йил 1 январдан кучга киради.

**Раис**

**3. ДУСАНОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 5 декабрь,  
01-02/19-40-сон